O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Milliy tiklanish — millat kelajagi*

# Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 28 oktabr, Juma

20 (326) son

## «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ЧИЛАР МУЯССАР РАЗЗОҚОВА ҲУЗУРИДА



*Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова миллий ва жаҳон опера санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган санъаткор. Унинг тимсолида ўзбек опера санъати жаҳоннинг нуфузли саҳналаридан муносиб ўрин олмоқдаки, булбулларни-да лол қолдирувчи овози сеҳри санъат мухлислари қалбларига олам-олам завқу шавқ бахш этаётир. Ҳа, Оллоҳ таоло унга бетакрор истеъдод ҳадя этган.*

*Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари, партия Марказий кенгаши, партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари унинг ижодини доимо қизиқиш билан кузатиб келишмоқда. Ўн минглаб «Миллий тикланиш»чилар сафларида Муяссар Раззоқовадек маслакдошлари борлигидан ҳақли равишда фахрланадилар.*

*Куни кеча ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов бошчилигидаги бир гуруҳ партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар, партия Марказий кенгаши котиблари ва аъзолари Алишер Навоий номли опера ва балет катта театрида Муяссар Раззоқова ҳузурида бўлиб, уни ижодий ютуқлари билан самимий табрикладилар.*

*Юзлаб томошабинлар ҳузурида бўлиб ўтган қутлов тантанаси йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. Ўз навбатида Муяссар Раззоқова ҳам зиёлилар партияси бўлмиш «Миллий тикланиш» аъзолари сафида бўлиши доимо унга ғурур бахш этишини айтиб, партиядошларнинг бу ташрифи унга илҳом бахш этажагини билдирди.*

**(Ўз мухбиримиз)**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат**

## ЎҚУВ СЕМИНАР ТАЖРИБАСИ

Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан илмий-амалий ўқув семинар ўтказилди.

Семинар ишида партия Марказий кенгаши раҳбарлари, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатлари, вилоят ва туман кенгашларининг раислари ва мазкур институт ходимлари ҳам қатнашдилар.

Семинар ишини кириш сўзи билан очган партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов илмий-амалий семинар мавзуи, уни ўтказишдан мақсад ва вазифаларга тўхталди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори ўринбосари Адҳам Ҳамдамов ҳамкорликда ўтказилаётган семинар иши ўзаро тажриба алмашишда яхши самара беришига умид билдирди. Партия Марказий кенгаши аъзоси Муқимжон Қирғизбоев «Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва фуқаролар сиёсий фаоллигини оширишдаги ўрни» мавзуида маъруза қилди.

*Партия иш ва ўқишда ўсади*

Маърузачининг жонли суҳбат тарзидаги мулоқоти йиғилганларнинг диққат-эътиборини тортди. У шарқ ва ғарб дунёсидаги сиёсий партияларнинг иш тажрибалари ҳақида кенг маълумот берди. «Партия ўз лидерларига эга бўлиши керак, лидерларни партия тарбиялаши лозим. Президентимиз дадил ва ошкора иш юритувчиларни, фикрлаш қобилияти теран, маънавий дунёси кенг, ҳаракатчан ва иродали лидерларни ҳаммавақт ёқлайдилар, ибрат қилиб кўрсатадилар», деди нотиқ. Маърузадан сўнг семинар қатнашчилари билан маърузачи ўртасида кўтарилган масалалар юзасидан қизғин баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши аъзоси, партиянинг мафкуравий ишлари бўйича котиби, «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири Иброҳим Ғафуров ўз маърузасини партиянинг мафкуравий, сиёсий-ташкилий ишларини кўриш ва янги шароитда жонлантиришга бағишлади. Партиянинг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган ўқув-семинар жуда фойдали эканлиги, бундай ўқишларни жойларда ҳам мунтазам ўтказиш зарурлигига эътиборни қаратди. «Халқимиз ўз Конституциясига эга халқ. Конституцияни дастуримизнинг қон томири деб биламиз. Партия омма ичига дадил кириб бориши учун ўз дастуридан, Конституция нормаларидан изчил фойдаланмоғи зарур. Айни пайтда халққа, унинг кўмакка муҳтож қатламига ёрдам бериш иш услубимизнинг таркибий қисми бўлиши даркор», дея таъкидлади. Иброҳим Ғафуров газетанинг бош муҳаррири сифатида «Миллий тикланиш» газетасининг бугунги кундаги аҳволига танқидий баҳо берди.

**(Давоми 2-бетда).**

## ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА МЕЗОН

### *«Давлат тили-фахримиз, ғуруримиз» иншолар танлови*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган. Унга 1995 йил 21 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган эди. Дастлаб Қонун қабул қилинган кун — 21 октябр ўзбек тили куни сифатида байрам қилиниб келинмоқда.

Тил — ҳар бир миллатнинг бебаҳо мулки, ҳис-туйғулари, руҳияти, қалбининг таржимонидир. Ўз вақтида Навоий бобомиз ўта куюнчаклик билан ўзбек тилининг мақомини кўтаришга интилган, унинг давлат тили даражасида қўлланилиши йўлида заҳматлар чеккан эди. Ўзбек тилининг афзалликларини ўзида намоён эта олган «Хамса» асари ўз даврининг воқеасига айланди. Ўша пайтда ҳукмдор бўлган шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни ўзининг оқ отига миндириб назм мулкининг султони сифатида шарафлагани ҳам бежиз эмас.

Ўзбек тили ниҳоятда гўзал ва равон тил. Шунинг учун бўлса керак, мустақилликка эришганимиздан кейин ўзбек тилига қизиқиш билан қарайдиганларнинг сафи янада кенгайди. Ўзбек тилини тез фурсатларда ўрганишга имкон топиб, шу тилда сўзлашишга уринаётганлар жуда кўп. Тил ҳар бир халқнинг қалби ва руҳининг ифодачиси экан, тил билганлар ҳам дилга яқин бўлади-да!

Қонун ва унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ ҳис этиш учун уни такрор-такрор ўқиб, ўрганиш ҳар биримизнинг бурчимиз, одатимизга айланишини истардим.

Бу қонун фуқароларнинг эркинлигини таъминловчи ҳужжатдир, унда айни пайтда давлат тили бўлган адабий тилнинг софлиги, унинг амалдаги илмий қоидалари ва меъёрлари эътиборга олинган.

Партиямиз мустақилликнинг фарзанди. Унинг номи эшитган кишига миллий руҳ бағишлайди. Миллатимизнинг фахри, ғурури, туйғуларининг ифодачиси бўлмиш ўзбек тилининг равнақи йўлида чинакамига тер тўкиш — ғайрат билан ишлаш фурсати келди.

**(Давоми 2-бетда).**

## ҲУШТАКНИ КИМ ЧАЛАДИ?

Мамлакатимизда ўзбек тили байрамини нишонлаш яхши анъана тусини олди. Бу куни пойтахт кўчалари янада чароғонлашади, гавжум чорраҳаларга «Тил — миллат кўзгуси», «Тилга эътибор — элга эътибор», «Она тилим — жону дилим» ва шу каби бошқа кўплаб шиорлар осиб қўйилади. Турли корхоналар, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳатто мактабгача тарбия муассасаларида ҳам тил байрамига бағишланган маросимлар ўтказилади. Таклиф этилган шоир ва ёзувчилар нутқ сўзлашади, оташин шеърлар ўқилади. Тилшунос олимларимиз тилимиз ривожи билан боғлиқ ютуқларни, нашр этилган китобларни, қаерда қандай анжуман ўтказилгани-ю, олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини санаб, кўнгилни хотиржам қиладилар. Шу куни радио ва телевидениеда байрам муносабати билан махсус эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этилади, газеталаримизда олимлар, мутахассисларнинг мақолаларини ўқиш мумкин бўлади.

Байрам ўттач, ҳамма яна ўз иши, кундалик турмуш ташвишлари билан банд бўлиб кетади. Ҳадемай, навбатдаги байрам яқинлашади.

Гинахонликни ўзимиздан бошлаганим маъқул. Биргина тил байрами эмас, бошқа байрам ва саналарда ҳам матбуотимиз айни шу ҳақда ёзишга бошлайди, ҳаммамиз бирданига ёза бошлаймиз, бутун эътиборни бир нуқтага қаратамиз. Гапимиз қуруқ бўлиб қолмасин, шу кунларда бирорта нашрда мамлакат Конституцияси — Асосий қонунимиз, унинг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти тўғрисида мақола борми? Йўқ, чунки Конституция байрамига ҳали анча вақт бор. Имон-эътиқод, ҳалоллик, поклик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, Яратган эгамга шукроналар айтиш, фоний ва боқий дунё саодатига эришмоқлик тадориги тўғрисида фақат Рамазон ойида қўлга қалам оламиз. Ватан ҳимояси, миллий армиямизнинг бугунги мақсад ва вазифаларини йил бошида, хотин-қизларимизнинг ижтимоий фаолияти, давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки, Наврўз умумхалқ байрамининг ўзига хос хусусиятларига доир мулоҳазаларимизни эса баҳоргача асраб турамиз.

Нега шундай қиламиз? Нега энди фақат байрам кунлари бир-биримизга ҳисобот берамиз, ютуқларимизни санаб, бўрттириб, бир-биримизни овутамиз?

Бир қарашда, хавотирга тушадиган жойи йўқ. Ҳаётимизда жиддий ўзгаришлар бўлаётганига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Она тилимизнинг бугунги мақоми билан унинг бундан ўн беш йил аввалги ҳолати орасида ер билан осмонча фарқ бор. Шубҳасиз, кўп ишлар қилинди, кўп режалар бажарилди. Саксонинчи йилларнинг охирида тилимизнинг майиб ва мажруҳ аҳволидан сўз юритганларни миллий маҳдудликда айблаганлар бугун тил байрами маросимларининг фаол иштирокчилари ва ҳатто, ташаббускорлари бўлиб туришибди. Ўша йиллари, бошқасини қўя турайлик, биргина «Тилга эътибор — элга эътибор» деган рукнимиздан хато топишга чоғланганлар бугун ўзбек тилининг беқиёс имкониятлари тўғрисида мароқли маърузалар қилмоқдалар. Бас, шундай экан, тил байрамини кўтаринки руҳда ўтказишга, ҳарқалай, ҳақлимиз. Аммо...

Масалага бошқа жиҳатдан ёндошсак-чи? Тасаввур қилинг — ўтган йиллар давомида эришган ютуқларимизни, амалга оширган ишларимизни эмас, эришмаган, бажармаган, эътиборимиздан четда қолган, беписандлигимиз оқибатида юзага келаётган муаммоларни, бой берилган имкониятларни ва бу бепарволигимизнинг нохуш оқибатларини ҳисоб-китоб қилсак-чи? Имконият қандай эди-ю, биз ундан қандай фойдаландик, қайси режаларимиз бажарилди, қайсилари эса қоғозда қолиб кетди — шулар тўғрисида фикр юритсак-чи?

Ушбу мулоҳазаларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Телевидение ва радиода тил маданияти» мавзуидаги семинарда қатнашганимдан сўнг қоғозга тушира бошладим. Нотиқлар телевидениемиз кўрсатувлари, хусусий радиоканаллар эшиттиришлари, газета ва журналларда чоп этилаётган мақолаларнинг тили мисолида тил байрамини кўтаринки руҳда ўтказишга ва бу борада хотиржам бўлишга ҳали жуда эрта эканлигини таъкидладилар. Якдил фикрга кўра, телевидениемизда, айниқса, хусусий радиоканалларда она тилимизга беписандлик, имло ва талаффуз қоидаларини қўпол равишда бузиш одатга айланиб бормоқда. Бу тўғрида матбуотда ёзилаётган кўпдан-кўп жўяли мақолалар, куюнчак газетхонларнинг изза қилувчи луқмалари самара бермаяпти.

*Дилимиздаги тилимизда*

Радиобошловчиларнинг очиқдан-очиқ бебошлиги, саводининг ғўрлиги, бунинг устига ошкора шилқимлиги, тингловчилар олдидаги масъулиятини мутлақо ҳис этмаслигига тоқат қилиб бўлмайди. Реклама роликларининг саводсизларча тайёрланишига, қайси тилда сўзлаётганлигини афтидан ўзи ҳам билмайдиган айрим рекламачи-сухандонларнинг қоришиқ талаффузига ва реклама деса ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр баъзи номдор ижодкорларимизнинг асабни ўйнатувчи бачкана қилиқларига наҳотки кўниккан бўлсак, наҳотки оримиз келмаётган бўлса?

Эстрада йўналишида ижод қилаётган ёш хонандаларни кўкларга кўтариб, ўринсиз мақтаётганимиз, ҳаётида ҳали бирорта рўмолчани кир қилишга улгурмаган ҳаваскор ижрочиларни бу ёруғ оламнинг чароғон юлдузларига қиёслаётганимиз ва бу ҳамду саноларимиз орадан кўп ўтмай қандай «самара» бераётгани кўпчилигимизга кундай равшан бўлиб турибди-ку, босар-тусарларини билмай қолишларига сабаб бўлмоқда-ку! Минерал сув, дори-дармон рекламасидаги саводсизлик — улуғ она тилимизнинг шаънини, миллат маънавиятини тупроққа қориш эмасми?

Пойтахтимизда, вилоят марказларида фаолият юритаётган телевидение ва радиоканалларда маза-матрасиз, очиқчасига беҳаё, енгил-так ҳаётни, баъзан эса хиёнатни тарғиб қилувчи қўшиқлар бизга тушунарсиз бошқа бир тилда эмас, айни ўзбек тилида янграмоқда, фарзандларимиз онг-шуурига сингмоқда ва улар эртага айни шу қўшиқлардан «ибрат» оладилар, шу қўшиқлардаги даъватларга эргашадилар.

Ҳар гал бу муаммолар муҳокама этилганида, савол туғилади, хусусий радиолар, тижорат йўналишидаги газета ва журналлар фаолиятидаги бундай асаббузарликка қандай қилиб барҳам бериш мумкин? Олий Мажлисимизда бўлиб ўтган семинарда ҳам шундай оғриқли саволлар ўртага қўйилди. Нотиқлар тил қоидаларининг бузилиши, саҳна ва эфирдаги бемазагарчиликларга доир ўнлаб, юзлаб мисоллар келтирдилар, муҳокама якунида эса кўпчиликнинг фикри бир саволга жамланди: нима қилиш керак?

Шу савол ўртага тушиши билан, устоз Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур гапи ёдимизга тушади: йўл қоидасига амал қилмай келаётган бебош ҳайдовчини назоратчи ҳуштак чалиб тўхтатади, қоиданинг қайси бандини бузганлигини тушунтириб, жаримага тортади. Нега энди тилимизни бузаётганлар, эфир ҳавосини айнитаётганлар ва бу билан маънавиятимизга, ёшлар тарбиясига жиддий зарар етказаётганларга нисбатан ҳам шу усулни қўллаш мумкин эмас?

Шу ўринда аччиқ бир ҳақиқатни айтиб ўтишга тўғри келади. Тижорат мақсадларида ташкил этилган хусусий радиолар, нашрлардан, аслида, ўпка қилмасак ҳам бўлади, негаки улар учун тил ва талаффуз қоидаларига амал қилиш муҳим эмас, даромад топиш муҳим. Гап даромадда! Бундай нашрлар айни шу мақсадда ташкил этилган. Буни яшириб ўтиришмайди ҳам. Така бўлсин — сут берсин. Пули келиб турса, битта тили чўлтоқ рекламани (Масалан, кофе тарғиботини, лотерея ўйинига даъватни ва ҳоказо.), миллий маънавиятимизга, одоб-ахлоққа зид кўринишли «клип»ларни кунига эллик марта, юз марта қайтариш мумкин. Қизиқроқ кинофилм қўйилаётган бўлса, ҳатто ҳар беш дақиқа ўтмасдан орага суқилиш мумкин. Қўшиқ матни, тасвир нўноқлиги билан кимнинг иши бор, мусиқаси гиж-бадабанг бўлса бас, такрор-такрор эфирга узатилаверади. Бу даъватларга амал қилинадиган бўлса, ҳаммамиз ишни йиғиштириб, эртадан кечгача лотерея ўйнашимиз, телевидениенинг «Ёшлар» каналига аллақандай рақам қаторларига тўхтовсиз SMS хабарлари жўнатишимиз керак бўлади. Демакки, гап фақат бошловчиларда эмас, улар ортида турган муассис акахонларда! Тил ва талаффуз муаммоларига, реклама саводсизлиги ва тазйиқига бағишланган йиғилишларга ана ўша акахонлар ва рекламахонларни ҳам таклиф этиш керак.

Бундан бир неча йиллар бурун қатор корхона ва муассасаларда ўзбек тилини ўрганиш курслари ташкил этилиб, бунга эҳтиёж сезганлар зарур даражада савод чиқариб олганларини яхши биламиз. Негадир бу олижаноб ишлар изчил давом эттирилмади. Тил, имло ва талаффуз қоидалари билан боғлиқ савод машғулотлари бугун, бошқаларни қўя турайлик, ўзимизга зарур бўлиб қолди. Бу гапнинг мутлақо муболағаси йўқ. Нега деганда, жонли тил амалиётида қусурлар, таассуфки, кўпайиб бормоқда. Имлода қайси қоидага амал қилишни билмаймиз. Бу масъулият зиммасига юкланган ҳурматли олимларимиз сусткашлик қилаётган эканлар, эринмаган ҳар бир нашр, ҳар бир қаламкаш ўзича «қоида» кашф этиб ётибди. Давлатларнинг номлари олақуроқ бўлиб кетди: Болгария — Булғория, Корея — Қурия, Франция — Фарангистон, Россия — Русия, Ўрисия, Ўрисистон. Меҳмонни ҳамон отадан улуғ деймиз, кампирнинг дарди «ғозада» эмас, «ғўзада». Ўғрилар эгасиз хонадонларга ҳамон «ташриф» буюришмоқда. Тўй-ҳашамларимизга дўст-қадрдонларимизни «лутфан» таклиф этмоқдамиз. Раҳматли Кибриё Қаҳҳорова умрларининг охиригача камида юз бора айтганлари, ёзганларига қарамай, «Исми, отасининг исми» дейиш ўрнига ҳамон «Исми, шарифи», баъзан эса бундан ҳам кулгили — «Исми, отасининг шарифи» деб ёзаяпмиз. Врач тавсия қилган дорини ичмаймиз — «қабул қиламиз», футбол ўйинида тўпни рақибларга олдириб қўйишга «муваффақ» бўламиз. Тилимиз жонкуярларидан бири, ёзувчи, журналист Шарофиддин Кўнчи (Оллоҳ раҳмат қилсин) билиб-билмай ишлатаётган сўз ва ибораларимиз тўғрисида куюнчаклик билан неча ўнлаб мақолалар ёздилар, хатоларимизни кўрсатиб турдилар. У киши айтганларидек, дўст-қадрдонларимизни «самимий» ёки «сидқидилдан» табриклаганимиз маъқул, «чин қалбдан» десак, ўрисча «от всего сердца»нинг қуруқ таржимаси бўлиб қолади. «Сутни қайта ишлаш заводи» эмас, «Сут заводи», «Пахта тозалаш заводи» эмас, «Пахта заводи» бўлиши керак. «Урғулайди» эмас, «урғу беради». «Барқарорлик» ёки «беқарорлик» деган сўзларимиз турганда «нобарқарорлик» дейиш мутлақо ўринсиз, бундай сўз тилимизда йўқ. «Молиялаштириш» эмас, «маблағ билан таъминлаш». «Думалоқ стол атрофида суҳбат бўлиб ўтди» деган жумла икки оламда таомилга кирмайди. Бозорда сотувчилар «почин» дейди, ўзбекча «бай очиш» демайди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бундан кўринадики, тилимизнинг ривожи, сўз ва ибораларнинг тўғри, ўринли ишлатилиши беистисно ҳар биримиз учун (жумладан, ушбу сатрлар муаллифи учун ҳам) бир умрлик вазифадир. Тил бойлигимизни, унинг беқиёс ва адоқсиз имкониятларини, сўзлар, иборалар қатига яширинган турфа хил маъноларни тўла ўзлаштириш жараёни бир эмас, бир неча авлодлар ҳаётида узлуксиз давом этсагина, мақсадга эришиш мумкин бўлади. Бинобарин, тил маданияти, нутқ маҳорати, талаффуз қоидалари тўғрисида фақат байрамлардагина эмас, ҳамиша, ҳар куни, ҳар дақиқада ўйлашимиз, бу борадаги билимларимизни тинимсиз бойитиб, такомилга етказиб боришимиз зарур. Ахир, тилни бузиш элни бузиш дегани эмасми?!

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

*«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?*

**2006 ЙИЛ ОБУНАСИ**

**«Миллий тикланиш» газетасига «Ўзбекистон почтаси», «Матбуот тарқатувчи» бўлимлари, «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят, шаҳар, туман кенгашлари орқали обуна бўлиш мумкин.**

**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ИНДЕКСИ: 158**




***ЎзМТДП вилоят ва туман кенгашлари, партия фаоллари ва хайрихоҳлари, муштарийларимиз диққатига!***

*«Миллий тикланиш» газетасига 2006 йил учун обуна уюштиришда қатнашиб, туман кенгашлари ва фаоллари, хайрихоҳлари, муштарийлари йиллик обуна миқдорини 50 донадан, вилоят кенгашлари эса 200 донадан оширса, ташкил қилган жами обунаси учун ҳар дона газетага 750 сўмдан мукофот пули берилади.*

*ЎзМТДП Марказий Кенгаши «Миллий тикланиш» газетасига жойларда обуна уюштириш, унинг мазмундорлиги ва мундарижасини бойитишга катта ҳисса қўшган партиянинг вилоят кенгашларини йил якунида алоҳида қимматли совғалар билан тақдирлайди.*

